

Маҳкумга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаш учун иш бўйича қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат аниқланган бўлиши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Кегейли туман судининг 2005 йил 31 октябрдаги ҳукмига кўра Ж.,Т. ва И.ларга ЖК 118-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан ЖК 57-моддаси қўлланилиб, Ж. 5 йил, Т. ва И. 4 йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суд ҳукмига кўра, Ж.,Т. ва И. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилганлар.

Ж.,Т. ва И. 2005 йил 6 июль куни ўзаро жиноий тил бириктиришиб С.нинг спиртли ичимлик истеъмол қилиб маст ҳолатга, яъни ожиз аҳволга тушганлигидан фойдаланишиб, унга нисбатан зўрлик ишлатишиб, номусига тегишган.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 20 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилиб, маҳкумларга нисбатан 2005 йил 2 декабрдаги амнистия акти тадбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми учдан бирига қисқартирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раёсатининг 2006 йил 27 февралдаги қарори билан Ж.,Т. ва И.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари келтирган протестда Ж.,Т. ва И.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини тайинланган жазонинг енгиллиги сабабли бекор қилиб, жиноят ишини янгидан суд мажлисида кўриш учун юбориш масаласи қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантиришни лозим топди.

Жиноят кодексининг 8-моддаси талабларига кўра, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Мазкур жиноят иши бўйича суд томонидан қонуннинг бу талабига амал қилинмаган.

Суд Ж.,Т. ва И.га нисбатан жазо тайинлашда уларга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда қонун санкциясида белгиланган энг кам жазодан ҳам қамроқ жазо тайинлаш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Суд Ж.,Т. ва И.га нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб жазо тайинлашда уларнинг ёшлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойларидан ижобий тавсифланганликларини асос қилиб олган. Қонунга кўра, бу ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳисоблансада, бироқ ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиш учун асос бўлмаслигига суд эътибор бермаган.

Айни пайтда суд ушбу жиноятнинг бир гуруҳ шахслар томонидан маст ҳолда, ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан содир этилганлигини, судланувчиларнинг ўз қилмишларига иқроп бўлмаганликларини, инобатга олмасдан, Ж.,Т. ва И. га қилмишларига номувофиқ, енгил жазо тайинлаган.

ЖСҲ-117-06 сонли ажрим